

43. Искусственный интеллект и большие данные в здравоохранении;
44. Биоинженерия и генетика;
45. Подготовка специалистов в области экономики здравоохранения и страховой медицины;
46. Модернизация образовательных программ по общественной профилактике инфекционных и неинфекционных заболеваний;
47. Междисциплинарные программы по медицине, инженерии, ИКТ и робототехники;
48. Изучение заболеваний мозга, психического здоровья населения и персонализированное здравоохранение;
49. Включение в мировую сеть глобальной охраны здоровья с учетом региональных особенностей;
50. Раскрытие научно-инновационного потенциала в области здравоохранения и фармацевтики.

## **КУТУБХОНАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ИЛММЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Ғаниева Барно Илхамовна**

**Аннотация.** Мақолада кутубхоначилик соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича илмметрик изланиш натижалари келтирилиб, хориж ҳамда мамлакатимизда соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг ретроспектив таҳлили, диссертацияларни мавзулар кўлами бўйича таҳлил натижалари ёритилган. Маълумки, диссертациялар анъанавий равишда илмий тадқиқот йўналишларини аниқлашда маълум бир “кўрсаткич” бўлиб хизмат қилиб, ахборот-кутубхона соҳасидаги фанларни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Ривожланган хориж мамлакатларида ахборот-кутубхона йўналишини ривожланишининг устувор йўналишларини ўрганиш ҳамда бу борада бизнинг истиқболли вазифаларимизни кўриб чиқишимиз лозим.

**Калит сўзлар:** кутубхоначилик, таълим, илмий тадқиқотлар, илмметрия, таҳлил.

# ANALYSIS OF SCIENTIFIC RESEARCH IN THE LIBRARY SPHERE

Ganieva Barno

**Abstract.** The article presents the results of scientific research conducted in the field of library science, the results of a retrospective analysis of foreign and domestic research conducted in this field, the results of the analysis of dissertations on this topic. It is known that dissertations traditionally serve as a certain "indicator" when determining the directions of scientific research and an information base for determining trends in the development of disciplines in the field under study. It is necessary to study the priority directions of the development of the Information and Library fields in developed foreign countries, as well as to determine our promising tasks and scientific priorities.

**Keywords:** library science, education, research, scientometrics, analytics

## Кириш

Ахборот технологияларини, жумладан, рақамли технологияларни жамиятимиз ҳаётига кириб келиши, жаҳон компьютер тизимлари ва тармоқларини ташкил этилиши кутубхоначилик соҳасида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ўзгаришлар дунё кутубхонашунос олимларининг илмий изланишларини диққат марказида турипти. Бу ўзгаришлар, жараёнлар хориж ҳамда ватанимиз кутубхонашунос олимларининг илмий изланишларида ўз аксини топмоқда. Бугунги кунда Даврий нашрлар саҳифаларида инновацион ривожланиш жараёнлари кенг тус олаётган даврда кутубхонашуносликнинг ҳозирги ҳолати акс этган ва кутубхоналарнинг ушбу ўзгаришларга мослашувига оид масалалар ёритила бошлади. Ҳар бир соҳада олиб борилаётган илмий ишлар мазмуни, шу соҳанинг долзарб масалаларини акс эттиргани каби, кутубхона соҳасидаги илмий ишларнинг мазмун моҳиятини таҳлилини амалга ошириш, шу соҳада хориж мамлакатларидаги ривожланиш тенденциялари, Ўзбекистонда бу борада қилинган ишлар таҳлили, ўрганилган хориж тажрибаси асосида бизда қўллаш юзасидан тавсиялар яратиш муҳимдир.

Табиийки, Ахборот кутубхона муассасалари, жамиятимиз фаолиятини акс эттириши туфайли жамиятда рўй берадиган барча ўзгаришларга жуда сезгирдирлар. Замонавий жамиятдаги илмий-техника, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар, кўпгина мамлакатлардаги кутубхоначилик ишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бундай ўзгаришлардан бу - энг аввало ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган ва шу кунгача давом этаётган илмий-техника тараққиётидаги кескин ўсиш: электрон–рақамли технологияларнинг ривожланиши, янги авлод электрон қурилмаларини ишлаб чиқишда,

компьютер техникаси ва алоқа воситаларини яратишда янги материалларни қўлланилиши, интернет тармоғининг ривожланиши кабилардир. Кутубхоначиликка оид нашрларда бир қатор муаллифлар бу даврни дунё жамиятини ахборот жамиятига ўтиши, электрон ахборот инқилоби даври деб аташмоқда. Бу жараёнлар кутубхоналар ишини қайта кўриб чиқишга, ҳаражатларга ажратиладиган маблағларни тақсимланишини қайта кўриб чиқишни тақазо этади, чунки давр талаби асосида кутубхоналарни техник қайта жиҳозлаш, компьютер техникаси ва дастурий таъминотни эксплуатация қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун ҳаражатларни ошириш, электрон ресурсларни кутубхона фондларида сақлаш, мазкур ресурслар фондиди тўлдириш, ахборот кутубхона хизматлари кўрсатадиган ходимлар маошларини қайта кўриб чиқиш каби масалалар долзарб. Мазкур тадқиқотнинг мақсади кутубхоначилик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни ўрганиш, мавзу кўламини аниқлаш, ривожланган мамлакатларнинг кутубхоначилик соҳасидаги илмий изланишларини йиллар кесимида, университетлар кесимида таҳлили ҳамда Ўзбекистон кутубхоначилик соҳасидаги илмий изланишлар кўламини, мавзу доирасининг илмметрик кўрсаткичларини таҳлилини амалга оширишдан иборат.

### **Кутубхоначилик соҳасидаги илмий изланишларнинг ретроспектив таҳлили**

Жамиятнинг ижтимоий соҳасидаги ўзгаришлари кутубхона ишининг мазмуни, йўналиши, кутубхоналарнинг китобхонларга хизмат кўрсатиш тизимига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар бир соҳада, жумладан, кутубхона соҳасида ташкил этилаётган тадбирлар, конференция ва форумлар жаҳон кутубхоначилигининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб долзарб бўлган мавзуларда ўтказилади. Бунда дунё кутубхонашунос олимлари, жаҳон кутубхоначилик ҳамжамияти жаҳон кутубхоначилигининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, кутубхоналар олдида турган муаммоларни ечимига эътиборни қаратишга, юзага келган вазиятни тушуниш, кутубхоналарни глобал инқироздан олиб чиқиш учун ечимларни излашга урғу берадилар. Халқаро кутубхона ассоциациялари федерацияси (IFLA) томонидан ўтказилган умумжаҳон миқёсидаги конференциялар мавзуси кўламини ҳам мазкур муаммоларга қаратилган. Масалан, (Ҳиндистон. 1992 й 58-конференция) “Кутубхона ва ахборот сиёсатининг келажаги”, “Универсал кутубхона: кутубхоналар умумжаҳон ахборот олиш маркази сифатида” (Испания. 1993 й 59-конференция), “Келажак кутубхоналари” (Туркия. 1995 й 61-конференция), “Инсонни ривожланишида кутубхоналар ва ахборот” (Дания. 1997 й 63-конференция), “Ахборотдан фойдаланиш – барқарор тараққиётни қўллаб қувватлаш” (Швеция. 2010 й 76-конференция), “Кутубхоналар

келажига – чексиз имкониятлар” (Сингапур. 2013 й 79-конференция) [3] каби мавзулар кўзга ташланадики, бу жаҳон миқёсида олимларнинг, илмий ҳамжамиятнинг бўлаётган ўзгаришларга бўлган муносабати, муаммолар ечимига қаратилишига бўлган эътибордир.

Албатта бундай ўзгаришларга бўлган жавоб нафақат дунё миқёсидаги халқаро конференцияларда, балки Ўзбекистонда ҳам ташкил этилган халқаро, республика миқёсидаги конференциялар мавзуларида ҳам ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Масалан, “Кутубхона тарихий ўзгаришлар даврида”, “Билимлар жамияти сари: ўзгараётган дунёда кутубхоначиларнинг янги роли”, “Фан, таълим, маданият ва тижоратда ахборот кутубхона ресурслари”, “Электрон кутубхоналари тармоғида илмий-таълимий ахборотларни шакллантириш ва фойдаланиш технологиялари” каби мавзуларда ўтказилган халқаро анжуманлар кутубхоналарнинг жамиятимиздаги ўзгараётган роли, юзага келган вазиятда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ечимига қаратилган. Албатта конференцияларда илмий ечимини кутаётган долзарб масалалар, соҳанинг муаммолари олимлар, тадқиқотчилар, амалиётчилар томонидан илмий-амалий муаммо сифатида кўтарилиб, ечимини топишга, тараққий эттириш, ривожлантириш, шакллантириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий тадқиқотлар натижалари эълон қилинади.

Илм фан соҳасида бўлаётган ўзгаришлар хорижий, маҳаллий олимларнинг илмий изланишларда акс этиб, сўнгги натижалар эса диссертацияларда ўз аксини топади. Ўз моҳиятига кўра, диссертациялар қўлёзма ҳуқуқидаги, чоп этилмаган ноёб илмий ҳужжатлар ҳисобланади. Диссертацияларнинг сифат даражалари асосида мамлакатнинг потенциали ҳақида хулоса қилиш мумкин ҳамда мамлакатнинг ҳозирги ҳолати ва келажакдаги ривожланишида долзарб ҳисобланади. Диссертациялар оқимини таҳлил қилиш натижасида фаннинг энг ривожланган йўналишларини аниқлаш, аналитик усуллар орқали мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳолати ҳақида хулоса қилиш мумкин.

### **Жаҳон ахборот ресурслари ва библиометрия**

Охириги йилларда ProQuest, EBSCO, Elsevir, Springer электрон хорижий ресурслардан, диссертациялар базаларидан, жумладан, кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳасидаги инглиз тилларида яратилган диссертациялардан фойдаланиш имконининг яратилганлиги, ривожланган хориж мамлакатларида кутубхоначилик соҳаси бўйича яратилган илмий-таълимий ресурсларни, жумладан, диссертацияларни комплекс ўрганиш ҳамда баҳолашга имкон яратди [7]. Мазкур маълумот базаларидан фойдаланиш, фаннинг энг сўнгги ютуқлари ҳақида хулоса


чиқаришга имкон беради. Кўпгина мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Испанияда кутубхона фаолияти методологияси, кутубхоначилик иши фалсафасига оид ишларни кўриш мумкин. Булардан, Craig S.Finlay [2], Russell, T., Sugimoto, C.R.[8], Shu, F.[9], Buckland, M.[2], Sugimoto, C.R., Li, D., Russell, T.G., Finlay, S.C., Ding, Y.[10] кабиларнинг тадқиқотлари шу каби мазуларни қамраб олган.

Рус кутубхонашунос олими В. В. Скворцовнинг фикрича бугунги кунда дунё кутубхоначилик ишида етакчи мавқени Шимолий Америка кутубхоначилик мактаби эгаллаб турибти деган фикрига қўшилиш мумкин. Ахборот – кутубхона соҳаси бўйича инглиз тилидаги диссертацияларни таҳлилига оид америкалик олимлар Г. Шляхтер ва Д. Томисон [4] га тегишли бўлган АҚШда нашр этилган “Кутубхонашунослик бўйича 1925 йилдан 1983 гача чоп этилган инглиз тилидаги диссертацияларнинг библиографик изоҳли рўйхати” глобал ишлардан биридир [6]. Инглиз тилидаги диссертациялар оқимини таҳлил қилиш учун тадқиқот базаси сифатида Г. Шляхтер ва Д. Томисон ларнинг 1925–1982 йиллар учун аннотацияланган библиографик рўйхати, UMI ProQuest компанияси (<http://www.lib.umi.com/dissertation/search>) Digital Dissertations маълумот базаси, Канада диссертацияларининг Theses Canada Portal маълумотлар базаси ҳамда Британия кутубхонасининг (<http://catalogue.bl.uk>) электрон каталоги, бошқа бир қатор интернет ресурслар асос бўлиб хизмат қилади. Россиялик олим Романов Р.С. инглиз тилидаги диссертациялар оқимини таҳлил қилар экан 3000 дан ортиқ инглиз тилидаги диссертацияларни сарлавҳаларини рус тилига таржима қилди. 3130 та кутубхоначиликка оид диссертацияларнинг аннотацияланган библиографик рўйхатини йиллар бўйича, ҳар бир йил ичида алфавит тартибда жойлаштирди. Дастлабки босқичда, АҚШ, Канада, Буюкбритания, Австралия ва Ҳиндистон олимларининг ишлари танлаб олинди. Бу ерда П. Батлер, Л. Карновски, Дж. Ланкастер, К. Джеккель, Б. Берельсон, Дж. Шира, Дж. Бобински, А. М. Шредер, Л. Хаузер, К. Бойер, У. Брейс, К. Каррол, М. Кон, Дж. Дантон, Л. Гротцингер, М. Катц, Н. Лейн, У. МакФай, Д. Уэйплз, Х. Уайт, П. Уилсон, Н. Дж. Блисс, М. О’Коннор, Б. Ш. Перитс, Э. Лоули, Б. Дервин, Р. Пауэлл, Г. Лондерган, Н. Каминер ва бошқалар. Канада кутубхонашунос олимларидан Дж. Дэнтон 1959 й., З. Тейлор 1976 й., А. Шредер 1979 й., П. Палмер 1985 й., Дж. Абрера 1988 й., А. Янг 1988 й., У. Берри 1989 й., Р. Пауэлл 1997 й., А. Робертс 1997 й., А. Ниранджан 2002 й. ва бошқалар тадқиқотлари диққатга сазоворлиги эътироф этилган [7].

П. Романов [6] тадқиқотида кутубхоначиликнинг асосий мактаблари ҳисобланган университетлар бўйича 1903 йилдан 2004 йилгача ҳимоя қилинган диссертациялар таҳлили берилган. Бу жадвал таҳлили асосида

қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Канада ва АҚШнинг биринчи ўнталигига Колумбия университети кирган бўлиб, (тадқиқот этилган даврдаги диссертацияларнинг умумий сонидан 5,5%), Флорида штати давлат университети (6,2%), Индиана университети (4,7%), Мичиган штати давлат университети (5,3%), Нью-Брунсвике давлат университети (4,3%), Нью-Джерси Ратгерский давлат университети (4,0%), Чикаго шаҳри университети (5,2%), Калифорния университети (5,7%), Урбана-Шампейн шаҳридаги Иллинойс университети (6,5%), Питтсбург университети (9,0%), Торонто университети (3,5%). (1-расм).

Албатта библиоетрик таҳлилда кутубхоначилик бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар тематикаси муҳим ҳисобланади. Ишларнинг 88 таси, яъни 2,8% и кутубхоначилик иши назариясига оид, 269 та иш, яъни 8,6% и кутубхоналар иқтисодига, кутубхоначилик ишини ташкил этиш ва бошқаришга бағишланади. Кутубхоналарни бошқариш кадр тайёрлаш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу мавзуга оид 8,4% фоиз, 263 та тадқиқот иши амалга оширилган. Ушбу мавзуга бўлган қизиқишнинг ўсиши 1970–1979 ва 1990–1999 йилларга тўғри келади. Кутубхоналар фаолиятини бошқариш ва ташкил этишга, кутубхона менежментига оид ишлар 17% фоизни ташкил этган. Кутубхоначилик таълими мавзусига оид 248 та тадқиқот амалга оширилган бўлиб, бу деярли 8% ни ташкил этади (“Кутубхоначиликка оид тадқиқотлар” диаграммасида келтирилган).



1-расм. АҚШ университетларида кутубхоначилик бўйича диссертация ҳимоялари кўрсаткичлари



Диссертацияларни мавзулар бўйича тақсимланиши 1903–2004 йй. (ўн йилликлар бўйича)<sup>11</sup>

Мавзулар	1903 1919	1920 1929	1930 1939	1940 1949	1950 1959	1960 1969	1970 1979	1980 1989	1990 1999	2000 2004	Жами
Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш. Ахборот технолог. Электрон кутубхоналар.	-	-	-	-	-	11	78	179	326	151	745
Мактаб кутубхоналари	-	1	1	3	5	18	36	69	96	41	270
Кутубхона ишини ташкил қилиш. Бошқариш. Молия	-	-	2	10	3	22	88	62	61	21	269
Кадрлар. Кутубхоначилик касби	-	-	-	1	3	15	64	80	67	33	263

<sup>11</sup> Романов П.С. Аналитические характеристики документного диссертационного потока по библиотековедению США и Канады.// Библиосфера. -2018. -№3. -С.11


Кутубхона хизматлари	-	2	4	5	9	28	68	66	59	20	261
Кутубхоначилик таълими	-	1	1	-	5	22	51	56	79	33	248
Хорижда кутубхоналар ишини ташкил қилиш	-	-	-	1	1	4	43	75	81	29	234
Китобшунослик. Китоб тарихи	-	1	7	4	19	28	42	33	37	11	182
Кутубхона фондларини ташкил қилиш	-	-	3	2	3	9	34	39	55	13	158
Каталоглаштириш Тизимлаштириш	-	-	4	4	6	22	56	21	33	9	155
Кутубхоначилик тарихи	-	-	-	8	8	20	34	25	40	10	145
Библиография-шунослик	5	1	1	2	8	14	28	23	46	13	141
Ўқиш. Китобхоналар қизиқишлари	-	1	1	5	3	-	22	24	33	21	110
Кутубхоначилик иши назарияси	-	-	-	-	3	6	25	17	31	6	88
Кутубхоналарни техник жиҳозлари	-	-	1	-	-	1	7	1	5	3	18
Ҳар ўн йиллик натижалари	5	7	25	45	76	220	676	770	1049	414	3285





## 2-расм. 1903 йилдан 2004 йилгача ҳимоя қилинган диссертацияларни мавзулари бўйича таҳлили

Хориж мамлакатларида мактаб кутубхоналарини ривожлантиришга оид тадқиқотлар алоҳида ўрин тутиб, кутубхоналарнинг ўсиб келаётган авлод билан фаолиятига оид илмий изланишларга катта эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, тадқиқотлар ичида ахборот технологиялари, электрон маълумот базалари, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, электрон кутубхоналар, интернет билан боғлиқ мавзудаги 745 та диссертациялар 23% ни ташкил қилади. Тадқиқотчилар томонидан ахборот қидируви, фойдаланувчиларни талабларини шакллантириш, кутубхона хизматларини интернет билан уйғунлигини таъминлаш каби масалалар охириги 15 йилда актуал мавзулардан бири бўлиб, сўнги 25 йилда эса интеллектуал мулк, муаллифлик ҳуқуқи масалалари энг долзарб мавзулардан бири бўлган. Кутубхоначилик иши тарихи, кутубхонашунос олимлар шахсига бағишланган ишлар 145 тани ташкил этиб, бу умумий қийматнинг 4,6% фоизидир. Тадқиқотчилар учун хориж мамлакатлари кутубхоначилик иши ҳолати мавзуси бўйича бир қатор қизиқарли тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, бундай мавзудаги ишлар 234 та бўлиб, 7,5% ни ташкил этади. Бу тадқиқотларда муаллифлар Яқин Шарқ, Африка, Жануби Шарқий Осиё мамлакатларидаги кутубхона ишини тадқиқ этишга қизиқиш билдириб, бир қатор тадқиқотлар собиқ Совет Иттифоқи давлатларидаги, Жанубий Европа мамлакатлари кутубхоначилик иши ҳолатини ўрганишга бағишланган. Кутубхоналар фондларини комплекшлаш, коллекцияларни яратишга оид ишлар 10%, кутубхоналарда хизмат кўрсатиш масалаларига оид тадқиқотлар 7,8% ни ташкил этган. Ушбу йиллардаги диссертациялар тематикасини таҳлил қилар эканмиз кутубхоначилик муаммолари бўйича тадқиқ этилган йилда деярли барча жабҳалар қамраб олинганини кўришимиз мумкин. Барча мавзулар ахборот технологиялардан ташқари (20,2%) йиллар бўйича 5-10% га фарқланишини кўриш мумкин. (3-расм).



3-расм. Ҳимоя қилинган диссертацияларни мавзулари бўйича таҳлили  
**Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертациялар таҳлили**

Ўзбекистондаги кутубхона соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларни ўрганар эканмиз, соҳадаги энг долзарб ўрганилган масалалар таҳлили амалга оширилди. Шу мақсадда бир қатор олимларнинг диссертациялари мавзулари қамроғи ўрганилар экан, 1969 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар кутубхоначиликка оид тадқиқот ишлар қамраб олишга ҳаракат қилинди. Дастлабки йиллардаги тадқиқотлар асосан кутубхоначилик иши тарихи, ўлкамизда тармоқ кутубхоналарини ривожлантириш масалалари билан боғлиқ бўлган бўлса, булар: Кормилицин А.И., Конарев А.Я., Қасимова А.Г., Раҳимова М., шунингдек, Ўзбекистонда библиография иши, Турапов М.М., Маматраимова Х., Ўрта Осиёда китоб тарихи китобатчилик иши билан боғлиқ масалалар Рустамов М. тадқиқ этилди. Хориж мамлакатлари кутубхоначилик ишини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам амалга оширилган булар Ибарагим Назми Мохаммад Мухсин, Раид Джамель Якуб Сулейман тадқиқотларидир. Кутубхоналарда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, китоб мутоласини социологик аспектларда ўрганиш тадқиқотлари А.О. Умаров<sup>12</sup>, Д. А. Ганиева, Ганиева Б.И. томонидан амалга оширилган. 2000 йиллардан кейин ахборот технологияларини кутубхона соҳасига кириб келиши натижасида кутубхоналарда қўлланиладиган технологиялар Бугибаев Э.Н., корпоратив тармоқда библиографик ахборотларни қайта ишлаш Ж.А.Атаджанов, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар Норматов Ш.Б ҳамда кутубхона тизимларини


<sup>12</sup> Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц.ф.д. диссертация автореферати. -Т., 2005. - 56 б.

бошқа тизимлар билан интеграциясини амалга ошириш Каримов У.У. масалаларига оид тадқиқотлар амалга оширилди. Қуйида мазкур тадқиқотларни йиллар кесимида ҳамда мавзулар йўналиши бўйича қамрови келтирилган.

*Ўзбекистонда кутубхоначилик соҳаси бўйича ҳимоя қилинган тадқиқотлар таҳлили (1960-2021 йиллар)*

Мавзулар	1960 1969	1970 1979	1980 1989	1990 1999	2000 2009	2010 2019	2020 2029	Жами
Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш Ахборот технологиялари. Электрон кутубхоналар.					1	2	2	5
Мактаб кутубхоналари			1		1			2
Хорижда кутубхоналар ишини ташкил қилиш				2				2
Китобшунослик. Китоб тарихи	1		1	1		1		4
Кутубхоначилик тарихи	1	2	1					4
Библиографияшунослик		1	1					2
Ўқиш. Китобхонлар қизиқишлари			1		2			3
Ҳар ўн йиллик натижалари	2	3	5	3	4	2	2	22


Ўзбекистонда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари



- Ахборот технологиялари. Электрон кутубхоналар.
- Мақтаб кутубхоналари
- Хорижда кутубхоналар ишини ташкил қилиш
- Китобшунослик. Китоб тарихи
- Кутубхоначилик тарихи
- Библиографияшунослик
- Ўқиш. Китобхонлар қизиқишлари

*4-расм. Ўзбекистонда ҳимоя қилинган диссертацияларни мавзулари бўйича фоиз кўрсаткичлари таҳлили*

Ахборот технологиялари, электрон кутубхоналар яратиш бўйича бажарилган тадқиқотлар 23% ни ташкил этиб, 2000 йилларни биринчи ўн йиллигини қамраб олади. Мақтаб кутубхоналари бўйича амалга оширилган тадқиқотлар 9%ни, ўқиш, китобхонлик қизиқишларини тадқиқ этишга доир ишлар 14%, хориж мамлакатларида кутубхоналар ишини ташкил этишга оид тадқиқотлар 9%ни ташкил этса, кутубхоначилик иши тарихи 18%, китоб тарихига оид ишлар 18%, библиографияшуносликга оид тадқиқотлар 9%ни ташкил этганини кўришимиз мумкин.



*5-расм. Ҳимоя қилинган тадқиқотларнинг йиллар бўйича таҳлили*

### Хулоса

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар кутубхоначилик иши соҳасида, қарийиб 1904 йилдан бошлаб соҳага оид илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Булардан энг кўзга кўринган мактаблардан бири бу Шимолий Америка кутубхоначилик мактаби, Европа мамлакатлари кутубхоначилик иш тажрибаларини кўриш мумкин. Юқорида келтириб ўтилганидек, В. В. Скворцовнинг: “Бугунги кунда дунё кутубхоначилик ишида етакчи мавқени Шимолий Америка кутубхоначилик мактаби эгаллаб турипти” деган фикрига ўрганилган тадқиқотларга асосланиб қўшилиш мумкин. 2018 йилда АҚШ департаментининг “International visitor leadership program” (IVLP) дастури доирасида Шимолий Америка кутубхоначилик мактабини ўз тажрибамизда амалий жиҳатдан ўрганишга муваффақ бўлиб, ўтказилган тадқиқотларнинг амалий натижаларини кутубхоналардаги шарт-шароитлар, техник ечимларда киритилган янгиликларни ўргандик. Мазкур тадқиқотларда кутубхоначиликнинг деярли барча мавзулари қамраб олингани, айниқса, эътиборли жиҳати шундаки, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ахборот технологиялари ва электрон кутубхоналарга оид илк тадқиқотлар 1960 йилдан бошланиб, 1990-99 йилларда энг юқори чўққига чиққани ҳамда ўрганилган вақт оралиғида энг кўп ўтказилган тадқиқот мавзуларидан бири

бўлиб, жами тадқиқотларнинг 23% ни ташкил этган. Мамлакатимизда кутубхоначилик ишига оид илмий изланишлар камрови кенг бўлиб, бу тадқиқотлар ичида кутубхоначилик иши тарихи, китобшунослик, китоб тарихи, ўқиш, китобхонлар қизиқишига оид назарий тадқиқотлар кўп қисми ташкил этади. Шунини таъкидлаш жоизки, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш технологиялари ва электрон кутубхоналарга оид тадқиқотлар Ўзбекистонда кутубхоналарида 2000 – 09 йиллар оралиғида бошланган. Бугунги кунда илмметрия, библиометрияга оид изланишлар ҳам кутубхоначиликка оид тадқиқотларнинг мавзу кўлами доирасига кўшилганини эътироф этишимиз мумкин.

Маълумки, диссертациялар анъанавий равишда илмий тадқиқот йўналишларини аниқлашда маълум бир “кўрсаткич” бўлиб хизмат қилиб, ахборот-кутубхона соҳасидаги фанларни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Ривожланган хориж мамлакатларида ахборот-кутубхона йўналишини ривожланишининг устувор йўналишларини ўрганиш ҳамда бу борада бизнинг истиқболли вазифаларимизни кўриб чиқишимиз, амалга оширилиши лозим бўлган зарур тадбирларни аниқлаб олишимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Buckland, M. Documentation, information science, and library science in the U.S.A. (1996) *Information Processing and Management*, 32 (1), pp. 63-76. doi: 10.1016/0306-4573(95)00050-Q
2. Craig S. Finlay, Cassidy R. Sugimoto, Daifeng Li, and Terrell G. Russell. LIS dissertation titles and abstracts (1939-2009): where have all the library gone? // The University of Chicago Press URL: <http://www.jstor.org/stable/10.1086/662945>
3. Савина И. А. Роль и место конференций (конгрессов) ИФЛА в системе непрерывного библиотечно-информационного образования // *Непрерывное библиотечное образование*. Т.205. -С.125-126
4. *Library science dissertations, 1925–1972: an annotated bibliography / comps.:* G. A. Schlachter, D. Thomison. Littleton : Libr. Ltd, 1974. 293 p.
5. *Library science dissertations, 1973–1981: an annotated bibliography/ Ed. by G. A. Schlachter and D. Thomison. Littleton (Colo.): Libraries unlimited, 1982. – 380 p.*
6. Romanov P. S. Analytical characteristics of a document flow of dissertations on library science in the USA and Canada // *Bibliosphere*. 2018. № 3. P. 7–13. DOI: 10.20913/1815-3186-2018-№3.-p.7-13.

7. Романов П.С. Анализ документного диссертационного потока по библиотековедению Канады: наукометрический подход//Канадский ежегодник. Выпуск 20, 2016.-С. 363-372
8. Russell, T., Sugimoto, C.R. MPACT family trees: Quantifying academic genealogy in library and information science (2009) *Journal of Education for Library and Information Science*, 50, pp. 248-262.
9. Shu, F., Larivière, V., Mongeon, P., Julien, C.-A., Piper, A. On the evolution of library and information science doctoral dissertation topics in North America (1960–2013) (2016) *Journal of Education for Library and Information Science*, 57, pp. 131-142.
10. Sugimoto, C.R., Li, D., Russell, T.G., Finlay, S.C., Ding, Y. The shifting sands of disciplinary development: Analyzing North American library and information science dissertations using latent dirichlet allocation(2011) *Journal of the American Society for Information Science and Technology*, 62 (1), pp. 185-204.